

ТОШКЕНТ ҲАҚИЯТИ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИНИ ЗАМОНАВИЙ ТИЗИМГА ЎТКАЗИШ – ДАВР ТАЛАБИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 22 июль куни Паркент туманидаги «Марказий» маҳалла фуқаролар йиғинига ташриф буюрди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 3 февралдаги "Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида мувофиқ, маҳалла фаолиятининг ташкилий асослари, жамият ҳаётидаги роли мустаҳкамланмоқда.

"Марказий" маҳалла фуқаролар йиғини учун янги бино, маҳалла гузари барпо этилган. Бу ерда йиғин ходимлари, профилактика инспектори учун алоҳида хоналар ажратилган, улар компьютер, мебель, тегишли адабиётлар билан таъминланган. Профилактика инспектори хонасида маҳалладаги жамоат жойларига ўрнатилган видеокузатув ускуналари орқали ҳудудни назорат қилиш имкониятини берувчи монитор ўрнатилган.

Маҳалла тўғрисида қонун бор, шариат яратилган, лекин маҳалла раисининг жавобгарлиги етарли даражада белгиланмаган, куйи тизим йўқ эди, деди давлатимиз раҳбари. Энди маҳалла фуқаролар йиғинига катта ваколат ва имкониятлар берилди. Маҳалла раиси Президентнинг вакили, ўз ҳудудининг эгаси бўлиб, ҳар бир хонадондаги ҳолатни, одамларнинг талабларини билиши ва унга қўмак бериши керак.

Шу ерда ички ишлар тизими томонидан олиб борилаётган профилактика ишлари, "Хавфсиз дам олиш" концепцияси ҳақида маълумот берилди.

Президентимиз Тошкент вилояти, жумладан, Паркент туманида туризмни ривожлантириш учун улкан салоҳият борлиги, бунинг учун дам олувчилар ва аҳолининг хавфсизлигини таъминлаш, одамларни шу йўналишда олиқлиқ тадбиркорликка ўргатиш кераклигини таъкидлади.

Шавкат Мирзиёев маҳалла гузарига фаолият юритаётган тикувчи ва касанаачи аёллар билан суҳбатлашди.

Туманда 2 сув омбори қуриш, том-

чилатиб сугориш асосида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, тоқзорлар ташкил этиш, Паркент шаҳрининг бош режаси, кўп қаватли уй-жойлар, йўллар, бозор, истирожат боғи ва бошқа объектлар барпо этиш лойиҳалари намойиш этилди.

Президентимиз Паркентсой ва Қизилсой сув омборларининг туман иқтисодиёти, аҳоли даромадларини оширишдаги аҳамиятига ургу берди. Ушбу сув омборлари қурилиши натижасида 5 минг 800 гектар ер мунтазам сув билан таъминланади. 3 минг 900 гектар лалми ерга сув чиқарилади, 1 минг 900 гектар ернинг сув таъминоти яхшиланади.

Паркент эркин иқтисодий зонасини ташкил этиб, 100 миллион доллар инвестиция киритиш, туман имкониятлари ва бозор талабидан келиб чиқиб, ишлаб чиқариш йўналишларини белгилаш, шу билан бирга, ер ости бойлиқларини ўзлаштирувчи заводлар ташкил этиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Ёшлар маънавиятини юксалтириш, вилоят иқтисодиёти учун кадрларни мақсадли тайёрлаш, аҳоли ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш ва бандликни ошириш, тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлаш масалаларига ҳам эътибор қаратилди.

Давлатимиз раҳбари Паркент тумани "Тулистон" маҳалласида яшовчи Аминжон ота Муҳаммаджоновнинг боғида бўлди.

74 ёшни қаршилаган Аминжон ота умр йўлдоши Иштибор ая билан беш фарзандни тарбиялаб, вояга етказган. Фарзандларининг барчаси олий маълумотли.

Аминжон ота фарзандлари билан "Зухра она плюс" хусусий корхонасини ташкил этган. Маҳалладаги қарийб 3 гектар ерда манзарали дарахтлар ва буталар экиб, боғ яратган.

Шавкат Мирзиёев боғни кириб кўрди. Шундай ажойиб боғ яратгани, хориждан кўчатлар олиб келиб, юртимиз шароитида кўпайтираётгани учун Аминжон отага миннатдорлик билдирди.

Одамнинг кўли гул дегани мана шу, деди давлатимиз раҳбари. Бу боғ Ватанини севишнинг, меҳнатсеварликнинг яққол намунаси. Отахоннинг тажрибасини ўрганиш, бошқаларга ибрат қилиб кўрсатиш керак. Бу киши қишлоқ хўжалиги соҳасидаги таълим муассасаларида дарс берсин, одамлар келиб бу ишларни ўргансин.

Президентимиз боғда маҳалла фаоллари, нуронийлар билан суҳбатлашди.

Давлатимиз сиёсатининг мазмун-моҳияти, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар натижаси, Тошкент вилоятини ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган режалар ҳақида сўз юритилди.

Нуронийлар халқ билан мулоқот қилиб, инсон манфаатларини таъминлашда намуна бўлаётгани, ҳудудларни ривожлантириш, одамлар турмуш фаровонлигини оширишга қаратаётган эътибори учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

Шавкат Мирзиёев Юқори Чирчиқ туманида барпо этилаётган замонавий логистика марказида бўлди.

"Greenfoodtrade" МЧЖ томонидан ташкил этилаётган мазкур марказ қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш ва экспорт қилиш билан шуғулланади. 2018 йилнинг учинчи чорагида тўла қувват билан ишга туширилиши мўлжалланаётган ушбу лойиҳа мамлакатимиз экспорт салоҳиятини ошириш, ички бозорни қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш, ер майдонларидан унумли фойдаланиш, янги иш ўринлари яратишда муҳим аҳамият касб этади.

Қирқ гектардан ортиқ майдонни эгаллаган мажмуада 5 кросс-докинг, гипермаркет, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини саралаш ва сақлаш омбори, 10 минг тонналик музлаткич, 150 ўринли меҳмонхона қурилади.

Мазкур мажмуа ҳақида батафсил маълумот берилди.

Шу ерда Тошкент вилоятида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини

етиштириш ва қайта ишлаш бўйича амалга оширилаётган лойиҳалар тақдироти ҳам бўлиб ўтди.

Қибрай туманидаги Агрологистика маркази мева-сабзавот маҳсулотларини қуриштириш ва қадоқлаш, иссиқхона, музлаткич, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашни ўз ичига олади. 2018 йилнинг биринчи ярмида ишга туширилаётган марказда 500 га яқин иш ўрни яратилади.

"Ўзбеккозиқовхотдин" холдинг компанияси томонидан Оҳангарон туманидаги "Sardorkom" масъулияти чекланган жамиятида олмадан шарбат тайёрлаш йўлга қўйилади. Паркент туманида ташкил этилаётган корхонада мева-сабзавотни музлатиш, қадоқлаш ва сақлаш мажмуаси, замонавий иссиқхона барпо этилади.

Ерлардан унумли фойдаланиш керак. Бугунги замон тўғрисида келган нарсани эмас, фойда келтирадиган, бозори чаққон маҳсулотлар етиштиришни талаб қилмоқда.

Тижорат банклари томонидан молиялаштирилаётган йирик лойиҳалар ҳақида ҳам сўзлаб берилди. Лойиҳаларда қозғош маҳсулотларини қайта ишлаш, мева-сабзавотларни қадоқлаш учун гофрокартон қутилар ишлаб чиқариш, паррандачилик соҳасини ривожлантириш, мева-сабзавот маҳсулотларини қуриштириш кўзда тутилган.

Тошкент вилояти туманларида рентабеллиги ва ҳосилдорлиги паст бўлган сугориладиган майдонларга экиладиган экин турларининг схематик харитаси намойиш этилди.

Вилоят қишлоқ хўжалиги ер майдонларини мониторингдан ўтказиш ишларининг тақдироти бўлиб ўтди. Бунда квадрокоптер ёрдамида ер майдонларини ўлчаш, маълумотларни электрон базага киритиш, ер майдонларини аэрофотосъёмка қилишга эътибор қаратилган. Ер майдонларини АН-2 самолёти ва квадрокоптер ёрдамида ўлчаш натижалари таққосланди. Маълум бўлишича, 100 гектар майдонни

самолёт ёрдамида 20 соатда ўрганилса, квадрокоптер қўлланилганда худди шу ҳажмдаги ишларга бор йўғи 4 соат сарфланар экан. Бундан ташқари, экинларга агродрон, ОБХ пурақиги ва самолёт ёрдамида ишлов беришнинг қийёсий кўрсаткичлари ҳам намойиш этилди. Иш унумдорлигини оширишда замонавий агродронларнинг имкониятлари юқори баҳоланди.

Бу каби замонавий қурилмалар қишлоқ хўжалигида муҳим аҳамиятга эга, деди Шавкат Мирзиёев. Агар соҳанинг эртанги кунини ўйласак, бундай замонавий тизимга тезроқ ўтишимиз керак. Дронлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, бу борада қўшма корхона тузиш ва кадрлар тарбиялаш масаласига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

2017-2018 йилларда қишлоқ хўжалиги техникаларини ишлаб чиқариш инновацион лойиҳаси ҳам кўрсатилди. "Ўзгротехсаноатмашхотдин" компанияси тизимидаги корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги техникалари намойиш қилинди. Компания қишлоқ хўжалиги техникаларини ишлаб чиқариш, машина-трактор паркларини ва лизинг хизматларини ўзида жамлаган. Лойиҳалардан мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги техникалари ва истиқболдаги режалар ўрин олган.

Мамлакатимизда беларуслик инвесторлар билан ҳамкорликда замонавий қишлоқ хўжалиги техникалари ишлаб чиқаришда. Президентимиз ушбу техникалар турларини кўздан кечирди. Инвесторлар билан мазкур тизимни янада такомиллаштириш, ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш истиқболлари ҳақида суҳбатлашди.

Давлатимиз раҳбарининг Тошкент вилоятига ташрифи давомида тақдирот этилган янги лойиҳалар вилоят иқтисодиётини юксалтириш, аҳоли фаровонлигини ошириш, янги иш ўринлари яратишда муҳим омили бўлиб хизмат қилади.

Ў.А.

ИМКОНИЯТ

Халқимиз азалдан отни қадрлаб келгани тарихий манбалар, адабиётимиз дурдоналари ва халқ оғзаки ижодида кўп учрайди. "От – йиғитнинг йўлдоши", деган нақл эл орасида машҳур. Аждодларимиз фарзандларига от миниб, кураш тушиб ва сувада сузишни ўргатишни ўзининг оталик бурчи, деб билгани ҳам айни ҳақиқатдир.



ТУЁФИДАН ЎТ ЧАҚНАГАН АРҒУМОҚЛАР

Бугунги кунда йилқичлик ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ, албатта. Юртимизда йилқиччилик ва от спортини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани соҳа ривожига хизмат қилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 июндаги "Ўзбекистон Республикасида йилқиччилик ва от спортини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори соҳа тарақ-

қиётини янги босқичга кўтаришда муҳим дастуриламал бўлаётган.

Ушбу ҳужжатда йилқиччилик ва от спортини омдалаштириш, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, янги авлод чавандозларини тарбиялаш, миллий от спортининг халқаро довуғини ошириш, ёшлар ўртасида фаол тарғибот қилишга ургу берилган. Шунингдек, йилқиччиликда наслчилик ишларини такомиллаштириш йўли билан ноёб зот-

ли спорт отлари, Қорабайир ва Ахалтака наслдор от зотлари сонини кўпайтириш бўйича амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар комплекси ҳам алоҳида белгиланган.

Ўрта Чирчиқ туманидаги "Ўзбегим отлари" заводига қадимий от зотлари, жумладан, Ахалтака, инглиз ва араб зотли тулпорларни етиштиришда замонавий усуллар қўлланилмоқда, спорт ва хизмат отларини парва-

ришлашда хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибаларидан кенг фойдаланилмоқда.

– Мустақилликнинг илк йилларида иш бошлаган заводимизда бугунги кунда 300 бошга яқин учқур тулпор бор, – дейди "Ўзбегим отлари" МЧЖ директори Аваз Исмоилов. – Улар орасида халқаро мусобақаларда ғолиб бўлган "Яра", "Хонзода", "Гўзаллик" каби отлар ҳам кўп. Юртбошимиз Шавкат Мирзиёевга Туркменистон Президенти Гурбангули Берdimухамедов томонидан совға қилинган "Дўстхон" лақабли зотдор от ҳам шу ерда парвариш қилинмоқда.

Давоми 2-бетда.

Қобилжон ҒОҒУРОВ
олган сурат.

Халқ депутатлари Ангрен шаҳар кенгашининг сессияси

Халқ депутатлари Ангрен шаҳар кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.

Тахлилий-танқидий руҳда ўтган сессияда ташкилий масала кўрилди.

Шу вақтга қадар шаҳар ҳокими бўлиб ишлаб келган Иброҳим Раҳмонов 21 июль куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Тошкент вилоятига ташрифидан сўнг лавозимидан озод этилган эди.

Сессияда Ҳакимжон Абдулазов Ангрен шаҳар ҳокими этиб тасдиқланди.

Халқ депутатлари Оҳангарон тумани кенгашининг сессияси

Халқ депутатлари Оҳангарон тумани кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Шу вақтга қадар туман ҳокими бўлиб ишлаб келган Рустам Убайдуллаев 21 июль куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Тошкент вилоятига ташрифидан сўнг лавозимидан озод этилган эди.

Депутатлар ўқтам Турсуновни Оҳангарон тумани ҳокими этиб тасдиқладилар. Сессиялар ишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси У. Исмоилов ва Тошкент вилояти ҳокими Ш. Бобоев иштирок этди.

Интилиш

Балиқ ва балиқ маҳсулотлари инсон саломатлиги ҳамда ҳаётини эҳтиёжидида муҳим ўрин тутадиган тансиқ неъмат. Шу сабабли ҳам халқимиз балиқни "луқмаи ҳалол", деб эъзозлаб келади.

Ўрта Чирчиқ туманида фаолият кўрсатиб келаётган "GOLDEN FISH GROUP" масъулияти чекланган жамияти тадбиркорлари – балиқчилик билан шуғулланиб, эл дастурхонига турли парҳезбон маҳсулотлар етказиб бермоқда.

Ушбу жамият тадбиркорлари Қорасув дарёсининг ўртасарой

«ОЛТИН БАЛИҚ» МЎҶИЗАЛАРИ

ҳудудидан ўтадиган қисмида 5 та ҳовузда балиқчилик хўжалиги ташкил қилиб, осётр ва фарель балиқларини парваришлашмоқда.

Бундан ташқари, Туябўғиздаги "Тошкент денгизи" сув омбори ҳавзасида ташкил қилинган 5 та тўрли балиқ хўжалиги (садоқ)да Африка лаққаси, денгизнинг Пискент тумани билан туташ ҳудудда 4 та сунъий ҳавзада оқ амур, дўнгпешона ва лаққа балиқлар етиштирилмоқда.

40 нафар балиқчи меҳнат қилаётган ушбу жамиятда 2017 йил давомида 600 тонна 80



тонна фарель ва 40 тонна осётр, шунингдек, 5 тонна балиқ увилдириги етиштириш режалаштирилган.

Ушбу маҳсулотларнинг катта қисми шартнома асосида чет элга экспорт қилинади.

Равшан МИРЗАКУЛОВ
олган сурат.

Муносабат

Президентимиз Шавкат Мирзиёев туманимизга ташриф буюрганидан бир хурсанд бўлди, асти қўверасиз. Давлатимиз раҳбари боғимиз бориб кўрди, анча суҳбатлашди. Бу суҳбатдан нафақат боғдорчиликка оид янги ғоялар, балки битмас-туганмас руҳий, маънавий озиқ олдим.

БУ БОҒЛАР БИР БОҒЛАР БЎЛАДИ ҲАЛИ...

Ўзим 74 га кирдим. Президентимиз билан суҳбатдан кейин янада тетиклашдим. Қирқ йилнинг шижоати вужудимга жо бўлгандек, гўё. Қучимга қуч, ғайратимга ғайрат қўшилди. Тўғри-да, камтарин меҳнатининг давлат раҳбари эътирофи этса, инсоннинг яшагиси, элига наф келтириб ишлагиси келаркан. Умр йўлдошим Иштиборхон билан беш фарзандни тарбиялаб, вояга етказдик. Уларнинг барчаси олий маълумотли.

Фарзандларимнинг кўзида бугундан қониқиб, эртасига ишонч акс этиб турибди. Инсон учун, оддий боғбон учун бундан ортиқ бахт борми?!

Оиламиз билан бирга "Зухра она плюс" хусусий корхонасини ташкил этганимиз. Маҳалладаги қарийб 3 гектар ерда манзарали дарахт ва буталар экиб, боғ яратдик. Хориждан кўчатлар олиб келиб, юртимиз шароитида кўпайтиришга уринаямиз.

Шавкат Миромонович Паркентда эркин иқтисодий зона ташкил этишга 100 миллион доллар сармоя киритилиши, қатор-қатор заводлар ишга тушиши ҳақида айтганларида, ҳар бир паркентлик сингари мен ҳам жуда қувондим.

Яқин келажақда туманимизда Паркентсой ва Қизилсой сув омборлари қурилиши сув билан боғлиқ энг катта муаммоларимизни ҳал қилади. Сув мўл бўлса, паркентлик деҳқонга Худо берди, деяверинг.

Давоми 2-бетда.

ТУЁФИДАН ЎТ ЧАҚНАГАН АРҒУМОҚЛАР

Бошланғич 1-бета.

140 гектар кенгликда ястанган жамуа ҳудудидан от етиштириш ва парваришлаш учун кенг шароит яратилган. Спорт отларини тайёрлаш мақсадида махсус югуриш айланаси, конкур майдони ҳам ташкил этилди. 60 нафар мутахассис ва мураббийлар ғамхўрлигида парваришланаётган тулпорлар мунтазам равишда ветеринар кўригидан ўтказилади, белгиланган тартибда ювинтирилади ва сайр қилдирилади.

Ахалтае тулпорлари 5 минг йилдан бери энг зўр насл сифатида қадрлаб келинади, — дейди тажрибали мутахассис Мурод Хусанов. — Бу зотли отлар чақирлиги, тезкорлиги, чидамлилиги билан одамлар эътибори ва ишончини қозонган. Ташқи кўринишининг чиройлилиги билан ҳам бошқа отлардан ажралиб туради. Энг муҳими, Ахалтае отлари қуруқ ҳамда иссиқ иқлимга бардошли бўлиб, янги шароитга тез ва осон мослашади. Бу арғумоқларнинг тана тизилиши ва ҳаракатлари чавандозга қўйинчилик туғдирмайди, шунинг учун улардан конкур ва от йўрттириш мусобақаларида ташқари учкураш баҳсларида ҳам кенг фойдаланилади.

Мамлакатимизда йилкичилик ва от спортини ривожлантириш йўлида амалга оширилаётган ишлар салмоғи тобора кенгаймоқда. Хусусан, вилоятимизда "Ўзбегим отлари"дан ташқари яна бир от заводи ташкил этилади. Бўстонлиқ туманида барпо этиладиган янги заводда спорт отларини етиштиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Албатта, юртимизда йилкичилик ва от спортини ривожлантириш жараёнида ёш чавандозларни жалб қилган ҳолда спорт тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш, шунингдек, миллий ва халқаро даражада йилкилар кўргазмалари ва аукцион савдоларини ташкил этиш, йилкичилик бўйича илмий кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилади.

Зохир **ТОШҲУЖАЕВ**,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

Ўшлар овози

Президентимиз ташаббуси билан янги тузилган Ўзбекистон ёшлар иттифоқи мамлакатимизнинг барча ҳудудларида навқирон авлод ҳаётига чуқур кириб бормоқда. Барча ёшларни бир ғоя остида бирлаштиришни мақсад қилган ушбу ташкилот вакиллари жойларда турли маданий, маърифий ва спорт тадбирларини ташкил этиб, ўғил-қизлар қалбига йўл топтоқда.

НАВҚИРОН ҚАЛБЛАРГА ЙЎЛ

"Ёзни "Камалак" билан!" лойиҳаси доирасида вилоят шахар ва туманларида болаларнинг маънавий дам олиши, маънавий ҳордиқ чиларини ташкил этиш мақсадида маҳалла ёшлари иштирокида интерактив ўйинлар, спорт-соғломлаштириш мусобақалари уюштирилади.

Ангрен шахар "Самарчуг" маҳалласида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, болаларнинг спортга бўлган қизиқишларини қучайтиришга қаратилган шахмат, шашка, футбол учрашувлари ёш авлод вакилларига жуда манзур бўлди. Шунингдек, "Гулзор" маҳалласида ўғил-қизларнинг тасвирий санъатга бўлган қизиқишларини, иқтидорларини намоён этишлари учун асфальтга расм чизиш танлови ташкил этилди.

— Ёшлар итти-

фоқи томонидан ўтказилаётган мана шундай тадбирларда ўғил-қизларнинг фаол иштирок этишгани аҳамиятли, — дейди "Камалак" болалар ташкилоти сардори Афруза Жумақуллова. — Уларнинг бўш вақти мазмунли, мароқли ва қизиқarli ўтмоқда. Албатта, болаларнинг бу каби тадбирлардан олаётган билим ва тажрибалари ўқиш жараёнида уларга қўл келади.

Саломатлик посбонлари иштирокида Ангрен шахридаги "Геолог" маҳалласида бўлиб ўтган "Ёшлар чекишга қарши" акцияси эса уларнинг саломатлик ҳақидаги билимларини оширишга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят Кенгаши "Камалак" болалар ташкилоти ҳамкорлар билан бирга Бўстонлиқ тумани Сижак қишлоғидаги ёзги ором-

гоҳда дам олаётган Меҳрибонлик уйи ҳамда махсус интернат-мактаб тарбияланувчилари учун маданий-маърифий тадбирлар, интерактив ўйинлар ўтказди. Болаларга эсдалик совғалари тарқатилди.

Бундан ташқари, Ёшлар иттифоқининг Бўқа тумани кенгаши ҳамда "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ҳамкорлигида "Дўстлик" маҳалласида мамлакатимиз мустақиллигининг 26 йиллик байрамига бағишланган "Фидойинг бўлғамиз сени, Ўзбекистон!", деб номланган маънавий ва маърифий анжуман бўлди. Тадбир давомида маҳалла ёшлари саҳна кўринишлари ва концерт дастури намоён бўлди.

Шоира
ОХУНЖОНОВА.



ЯНГИ ФОРМАТДА КЎРИНГ

Бугунги кунда рақамли форматдаги телеканаллар тобора кенг тарқалган. Бунақа сабаб, тасвир ва овознинг тиниқлиги, сифатли кўрсатув ва фильмларни томоша қилиш имконининг мавжудлиги. Шу боис, тез орада Ўзбекистон телевидениеси ҳам рақамли форматга ўтказилади. Бу ҳақда Республика Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги маълумот берди.

Тараққиёт

Рақамли форматнинг афзаллиги шундаки, бунда стереотопуш ва товуш 5.1 форматда узоқтилади. Айни пайтда иккита миллий телеканалимиз ўз кўрсатувларини HD форматда эфирга узатмоқда. Мазкур форматнинг муваффақияти сабаб бошқа телеканалларимиз ҳам сифатли HD форматга бошқича-бошқич ўтади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 17 июлда қабул қилинган "Рақамли телекўрсатувларга ўтиш ва ер усти аналог телекўрсатувларини тўхтатишга доир амалга ошириладиган чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ, мамлакатимизнинг барча вилоятларида ер усти аналог телекўрсатувларини эфирга узатиш белгиланган жадвал асосида бекор қилинади. Эски шаклда сигнал узатиш дастлаб Тошкент шаҳрида, 2018 йилнинг 5 декабрига қадар эса юртимизнинг барча ҳудудларида бошқича-бошқич тўхтатилади.

Аммо, рақамли телевидениени кўриш учун телевидениенинг DVB-T2 стандартига мос келиши лозим. Бугунги кунда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган замонавий телекўрсатувларнинг аксарияти мазкур стандартдаги рақамли тюнер билан жиҳозланган.

Ўз мухбири.

Инсон ҳаёти давомидаги аксарият маълумотни беш ёшгача олиб улгурар экан. Дарҳақиқат, бу даврда бола дунёни англайди, ўз она тилини ўзлаштирилади, ота-она, оилага меҳри уйғонади, умри давомида оладиган билимларга пойдевор шакллантиради. Бунда, энг аввало, оила асосий роль ўйнаса, мактабгача таълим муассасасининг ҳиссаси ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шу боис, мамлакатимизда айнан боғча узлуксиз таълим тизимининг ажралмас қисмига, таъбир жоиз бўлса, унинг ўзагига айланган.

Мактабгача таълим

УНИБ-ЎСГИН, БОЛАЖОН!

Ҳозир Зангиота туманидаги 4-мактабгача таълим муассасасида 380 нафар кичкинтой тарбияланмоқда. Уларга 22 нафар педагог ҳодим кўзқулоқ, Кичкинтойлар ҳар бир гуруҳда миллий урфодат ва анъаналар билан

роққисидир. Ўтган йили Нигора Раҳимова "Йилнинг энг яхши тарбиячиси" қўриқ-танловининг республика бошқисиди катнашди. Ҳозир у Зангиота туманидаги бошқа бир мактабгача таълим муассасасига раҳбарлик

шунчаки келиб-кетадиган оналар ҳозир мактабга тайёрлов машғулотлари натижасида фарзандиди ўзгаришларни мулоқотга кириштириш лаёқати ҳамда саводхонлиги анча юқори бўлиши аниқланган.

журналлари, суратли китоблар тўпланган.

Бир неча йил илгари боғча 620 миллион сўм эвазига таъмирдан чиқарилган. Ҳозир муассасида бир гектардан ошқ кўкаламзор майдон бор. 300 дан зиёд мева ва манзарали дарахт, бир неча минг туп гул қўчатлари экилган.

Ўтказилган таҳлиллар натижасида, мактабгача таълим муассасаларида тарбия олиб, бошланғич синфга келган болаларнинг ҳулқи, ақлий ва ижодий қобилияти, мулоқотга кириштириш лаёқати ҳамда саводхонлиги анча юқори бўлиши аниқланган.

Шу маънода, Ўзбекистон Республикаси Президентининг яқинда матбуотда эълон қилинган "2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ушбу тизим фаолиятини янги бошқича кўтариш, соҳани бугунги кун талаблари даражасида модернизация қилишга хизмат қилиши шубҳасиз.

Қизим шу боғчага қатнайди, — дейди Лайло Набиева. — Педагогларнинг меҳрибонлиги, ҳар кунги машғулотларда болам ниманидир ўрганишини кўриб фарзандларимиз ишончли қўлларда эканига амин бўлдим.

Бола — гул. Унинг офори қўнғилларини яшнади, яшартиради. Нозиклиги ҳам борки, унга мунтазам парвариш ва эътибор керак. Боғча опалар буни бир зум ҳам унутмасалар бас.

Ҳуришда **НАЗАРОВА**.
Қобилжон **ҒОҒУРОВ**
олган сурат.



таништириб борилади. Турли қизиқarli ўйинлар орқали эса, бошланғич арифметик билимлар, ўзбек, рус ва инглиз тилини ўрганади. Турли учрашув ва суҳбатлар уюштирилади. Яқинда эса, ота-оналарнинг талаб ва истакларига биноан шахмат тўғрисида ташкил этилди.

Муассаса педагоглари турли танлов ва фестивалларнинг фаол ишти-

қилмоқда. Шунингдек, услубчи Меҳринисо Тожибоева ҳам болажонларни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, уларга миллий маданиятимизни синдириш йўлида меҳнат қилмоқда.

— Ота-оналар билан мунтазам мулоқотда бўлиб, боланинг ютуқларидан хабардор этиш ижобий натижа беради, — дейди мудира Умида Ашрапова. — Авваллари

рақ тўғрисида қизалоқларнинг сеvimли машғулоти. Тўғрак аъзолари туман бўйича ўтказилган танловда ўз тенгдошлари ўртасида фахрли 2-ўринни эгаллашди.

Бу ерда мўъжазгина кутубхона очилган бўлиб, педагоглар ва болажонлар китоблардан бемаълум фойдаланишлари мумкин. Кутубхонада жаҳон ва ўзбек адабиёти намуналари, болалар

Аҳоли томорқасидан унумли фойдаланишга эътибор қучайтирилгани йилнинг тўрт фаслида ҳам арзон, сифатли мева-сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштиришни қўлайтиришда муҳим аҳамият касб этаётди.

Томорқа — хазина

Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Оқўрғон тумани кенгаши ташаббуси билан жойларда аҳоли томорқасида етиштириладиган мева-сабзавот, полиз маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш, экспортчи корхоналарга сотиш бўйича керакли маслаҳат,

тавсияларнинг берилаётгани аҳолини тадбиркорликнинг мазкур йўналишига бўлган қизиқишини оширмоқда. Айни кунда, Оқўрғон туманида 17 минг 242 та аҳоли хонадони мавжуд бўлиб, шундан 16 минг 553 тасида томорқа мавжуд. Томорқа эгалари

ТЎРТ ФАСЛНИНГ БАРАКАСИ

ердан самарали фойдаланишга астойдил ҳаракат қилмоқда. Аҳоли, асосан, картошка, пийёз, сабзи, сабзавотлар, полиз ва дуккакли экинлар эккан.

Одамларга томорқадан самарали фойдаланиш, оилавий тадбиркорликини ривожлантириш, солиқ имтиёзлари, банк кредитларидан унумли фойдаланиш бўйича зарур маълумотлар берилмоқда. Айниқса,

хотин-қизлар, уюлмаган ёшлар қатлами билан ишлаш, уларда тадбиркорлик қўниқмаларини шакллантириш, бандлигини таъминлаш масалалари ҳам доимий эътиборда.

Оқўрғон тумани, "Толовул" маҳалласида яшовчи Ўсмоил Абдурахмонов ўзига тегишли томорқадан самарали фойдаланиб келаётганлардан.

— Томорқанинг турган-бит-

Муносабат

БУ БОҒЛАР БИР БОҒЛАР БЎЛАДИ ҲАЛИ...

Мен сизга айтсам, боғ қилган кам бўлмайди. Яшнаб турган дарахтлар теvarак-атрофга кўрк бағишлайди, ҳавони тозалайди. Дастурхонларимиз ширин-шакар меvalар билан тўлади. "Боғни боққан қанд, боқолмаган панд ёйди", дейишди. Ҳозир боғларимизга кирсангиз, дилингиз яйрайди. Лекин ҳеч нарсасиз ўз-ўзидан бўлмайди. Сифатли ва мўл ҳосил олиш учун тажриба, меҳнат талаб этилади.

Даромад эвазига тўй қилиб, машина олаётимиз.

Бошланғич 1-бета.

Фарзандларимиз учун уй-жой қураймиз. Мен бошлаган ишларни фарзандларим, набираларим давом эттирмоқда.

Дарҳақиқат, астойдил меҳнат қилган инсон мўъжиза яратади, эл ичра қадр топади, турмуши фаровон, рўзғори бут бўлади.

"Одамнинг қўли гул, дегани мана шу. Бу боғ Ватанин севишининг, меҳнатсеварлиқнинг яққол намунаси. Отахоннинг тажрибасини ўрганиш, бошқаларга ибрат қилиб кўрсатиш керак. Бу киши қишлоқ ҳўжалиги соҳасидаги таълим муассасаларида дарс берсин,

одамлар келиб бу ишларни ўргансин..." Президентимизнинг мана шу гапларини эшитганимдаги ҳаяжонимни тасвирлаб бера олмайман.

Эътирофдан руҳланган ҳолда бундан кейин ҳам боғимни кенгайтириш йўлида ҳаракат қиламан. Бугунги кунда Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизнинг турли ҳудудларида боғ-роғлар, обод масканлар бунёд этилмоқда. Бу бежизга эмас. Яхшидан боғ қолади-да!

Аминжон **ОТА**

МУХАММАДЖОНОВ

Паркент тумани, "Гулистон" маҳалласи.

МЕҲНАТ, РАҒБАТ, ДАРОМАД

Президентимизнинг жойларга ташрифи ҳудудларни иқтисодий-иқтисодий ривожлантиришга хизмат қилиб қолмай, одамларнинг кайфияти, руҳиятини ҳам кўтариб, келажақга ишончини мустаҳкамламоқда.

Давлатимиз раҳбарининг вилоятимизга ташрифи "Ангрен" эркин иқтисодий зонасида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, йирик инвестиция лойиҳалари билан танишишдан бошлангани, очиги, Президентимизнинг Ангрен шаҳри ва унинг истиқболига алоҳида эътибор қаратаётганининг яна бир амалий тасдиғи сифатида барчамизни мамнун этди.

Маълумки, иқтисодий зонасида ҳар қандай компаниялар ҳамкорлигида йирик инвестиция лойиҳалари амалга оширилади. Хитойнинг "Политехнолоджи" компанияси бўлган конвейер ленталари, қишлоқ ҳўжалиги техникаси ва автомобиль шиналари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхонани барпо этиш лойиҳаси шулардан бири. Лойиҳага кўра, корхонамиз тўла қувват билан ишга тушади, йилига 100 минг погон метр конвейер лентаси, қишлоқ ҳўжалиги техникалари учун

200 мингта, енгил автомобильлар учун 3 миллион дона шина ишлаб чиқарилади.

Президентимиз таъкидлаганидек, бу нафақат Ангрен шаҳрининг иқтисодий тараққиётига, балки янги иш ўринлари ташкил этиш, ҳозирча хориждан олиб келинаётган ушбу товарларни мамлакатимизда ишлаб чиқариш ва импорт ўринини тўлдиришга хизмат қилади.

Корхона фаолияти билан яқиндан танишган давлатимиз раҳбари маҳсулотларни жаҳон стандартларига мос, юқори сифат билан кенг номенклатурада тайёрлаш зарурлигини таъкидлади. Учрашувда заводда ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар учун зарур бўладиган ҳам ашёларни маҳаллийлаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Тегишли идора раҳбар ва мутахассисларига келгусида хом ашёнинг муқобил манбаларини излаш, хусусан, юртимизда қучуқ олинadиган дарахтларни ети-

тириш бўйича кўрсатмалар берилди. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, заводимизнинг ишга туширилиши натижасида шинага ички бозор талабини қондиришдан ташқари, йилига қарийб 60 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилиш имконияти яратилади.

Президентимизнинг "Тошкент вилоятининг эртанги кўни бу — саноат", деган сўзлари саноат ва қончилар шахри бўлган Ангрен ахлига алоҳида масъулият қўлайди.

Бир сўз билан айтганда, Президентимизнинг ташрифи жамоамизни янги марралар сари руҳлантириб юборди. Айни кунларда корхонамизда қурилиш-монтаж ишлари жадал давом этмоқда. Насиб этса, жорий йилнинг 1 сентябрь кўни вилоятимиз ҳудудида биринчи шина ишлаб чиқарилади. Бу Ватанимиз мустақиллигининг 26 йиллик байрамига муносиб тўғра бўлади.

Мусажон **ҲАСАНОВ**,
"Резинатехника" маҳсулотлари заводи
қуриш дирекцияси
масъулият чекланган
жамияти бош
муҳандиси.

КЕЛАЖАК УЧУН ҒАМХЎРЛИК

Айни кунда юртимиз ёшлари ҳаётида муҳим палла, десак адашмаган бўламиз. Олий таълим муассасаларига ҳужжат топширган абитуриентлар санокли кунлардан кейин тест синовидан ўтади.

Жорий йилда ҳам мамлакатимиз олий ўқув юртиларига минглаб ўғил-қизларимиз ҳужжат топширди. Улар орасида қизим Сарвиноз Муҳиддинова ҳам бор. У Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетининг биология факультети талабалари сафига қўшилиш учун анча вақтдан бери жиддий тайёргарлик кўрмоқда. Ҳаракати бесамар кетмасин. Зеро, ҳамамиз ҳам фарзандимиз учун қайғурамиз. Улар ютуқидан қувонамиз, орзулари ижобатидан бошимиз осмонга етади. Ўзимиз эришмаган нарсаларга улар етишини, забт эта олмаган марраларимизни жигарбандимиз ишғол қилишини истаймиз.

Давлатимиз томонидан ўғил-қизларимизнинг ҳеч қандай кам бўлмай воқеа етиши учун барча зарур шарт-шароитлар, имконият юмтиёзлар яратиб берилмоқда. Шунинг баробарида улар

хавфсизлиги, бандлиги, бўш вақтининг мазмунли ўтиши, мароқли ҳордиқ чикаришини таъминлаш, турли зарарли ғоя ва оқимлар таъсиридан асраш, таълим-тарбиясини янада қучайтиришга қаратилган ишлар изчил давом эттирилади.

Яқинда вилоятимизга ташриф буюрган Президентимиз Шавкат Мирзиёев фаоллар билан учрашувда шахар ва туманларимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар, янги-янги, йирик лойиҳалар ҳақида сўз юритиб, Чирчиқ шаҳрида вилоят педагогика институтини ташкил этилиши алоҳида таъкидлади. Бу ташаббус кенг жамоатчилик томонидан илқ қутиб олинди.

Тан олишимиз керак, таълим даргоҳларимизнинг педагоглар билан таъминланиш даражаси қоникarli эмас. Кўплаб мутахассисликлар бўйича ўқитувчилар етишмайди. Буни ўзига яраша са-

баблари бор, албатта.

Шу ўринда бир мисол. Навоий шахрида педагогика институтига асосан шу вилоятда яшовчи йигит-қизлар ҳужжат топширади. Ўқитувчи бўлишга аҳд қилган вилоятимиз ёшлари борадиган Тошкентдаги шундай таълим муассасасига эса юртимизнинг барча ҳудудларидан ёшлар келади. Натижада, бу даргоҳга ўқишга кириш қийинлашади, бошқача айтганда, ўтиш бали жуда юқори бўлади. Қабул квотаси чекланган, рақобат қучли бундай шароитда, хоҳлайсизми-йўқми талабалар сафига қўшилидиган ёшлар орасида вакилларимиз камчилигини ташкил этади. Менимча, мактабларимиздаги кадрлар танқислиги шунга ҳам боғлиқ.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Чирчиқ шаҳрида очиладиган Вилоят педагогика институтини борада юзага келган муаммолар ечимига хизмат қилиши, ёшларимиз учун катта имкониятлар яратиши шубҳасиз.

Уйғун **МУҲИДДИНОВ**,
Урта Чирчиқ тумани.

Ҳосил, даромад ёмон бўлмади. Ҳозир иссиқхонамизда иккинчи экин — ер ёнғоқ бўй кўрсатиб турибди.

Юқоридагилардан аёнки, туман хонадонларида шахсий томорқалардан самарали фойдаланиш бўйича бир қатор ижобий ишлар амалга оширилаётди.

Ўз меҳнати ортидан рўзгорини обод этиб, юрт тараққиётига, ободлигига ҳисса қўшиб келаётган шундай омилкорлар бор бўлсин!

Ўз мухбири.

МАҚСАДГА ЭРИШИШНИНГ МУҲИМИ ОМИЛИ

Академик лицей ва касб-хунар коллежлари битирувчилари ҳаяжонли синовлар оstonасида турибди. Олий ўқув юртлири талабаси бўлишга ҳаракат қилаётган ёшларга давлатимиз раҳбари томонидан кенг имконият ва имтиёзлар яратиб берилмоқда. Хусусан, олий ўқув юртлирига қабул жараёнига оид муайян янгилликлар жорий қилинди.

□ Абитуриент – 2017

Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йилнинг 5 майда қабул қилинган "2017-2018 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ, янги ўқув йилида олий таълим муассасаларига оширилган шартнома ставкалари бўйича талабалар қабул қилишга рухсат берилди.

Мазкур ҳужжат ижросини таъминлаш мақсадида қўшимча контрактларнинг оширилган миқдори тасдиқланди, олий ўқув юртлирига тўлов-контракт асосида белгиланган квотадан ташқари, қўшимча равишда қабул қилиш бўйича тартиб ишлаб чиқилди. Мазкур қарорга кўра, қўшимча контракт асосида талабалар қабул қилиш 2 тоифада амалга оширилди.

Биринчи тоифа учун қабул квотасининг қуйи чегараси:

– 1 баллгача етмаган абитуриент учун тўлов-контракт

суммасининг 1,5 баробари;
– 2 баллгача етмаганлар учун 2,0 баробари;
– 3 баллгача етмаганлар учун 2,5 баробари;
– 4 баллгача етмаганлар учун 3,0 баробари миқдорда белгиланди.

Иккинчи тоифага эса 4 баллдан ортиқ балл етмаган, энг юқори баллнинг 30 фоизи (68,0 балл) дан кам бўлмаган асосий квоталар доирасида, қўшимча равишда ўқиш истагини билдирган абитуриентлар кириштилади. Улар амалдаги тўлов-контракт миқдори нисбатан 10 баробардан ортиқ оширилган тўлов-контракт суммасини тўлаш шарти билан ўқишга қабул қилинади. Айнан 10 баробар эмас, балки, 10 баробардан ортиқ миқдор белгиланмоқда. Бу миқдор айрим олий таълим муассасаларида 15, айримларида 20 баробар бўлиши мумкин.

Энг юқори тўлов миқдори ҳуқуқшунослик йўналишида бўлиши кутилмоқда. Юриспруденция йўналиши



бўйича қўшимча-контрактда ўқиш истагини билдирган абитуриент 25 баробар миқдорда тўлов-контракт суммасини тўлаши керак.

– Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг геодезия, картография ва кадастр бўлимига ҳужжат топширдим, – дейди Оҳангарон саноат касб-хунар коллежи битирувчиси Иззатиллаҳ-жа Аҳмадхон. – Ўрта мактабда фан асосларини чуқур ўргандик. Коллежда касбий кўникма ва маҳоратга эга бўлиш баробарида табиий фанлар борасидаги билимимизни мустаҳкамлаб олдик. Олий таълим тизимидаги янгилликлар синов жараёнининг адолатли ва ҳаққоний ўтишига хизмат қилади, деб ўйлайман. Билимга ишонган абитури-

ент ҳаққоний синовдан чўчимаслиги, давлат гранти асосида ўқишни ният қилиши аниқ. Таълим кре-матидлари, Президентимиз томонидан Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи аъзолари бўлган ёшлар учун тўлов-контракт суммасининг 30-40 фоизи миқдорида имтиёз яратганлиги ҳам бизни ўқишга илҳомлантирмоқда. Оширилган қўшимча тўлов-контракт ўринлари билим олиш иштиёқида бўлган ёшларга бир имкониятдир. Бу жараёнда ҳам, аввало, тўпланган балл миқдори асосий мезон саналади. Муҳими, талаба бўлишга интилаётган барча ёшларнинг мақсади ягона – келгусида малакали мутахассис бўлиб, шу азиз Ватан равнақига ҳисса қўшиш, десам, адашмаган бўламан. Бугун мамлакатимизда

олий таълим муассасаларида ўқиш истагидаги қизлар сони тобора ортиб бормоқда. Айниқса, тиббиёт соҳасида аёл шифокорларнинг алоҳида ўрни бор.

– Тиббиёт коллежини тасмоллаб, туман тиббиёт бirlашмасида фаолият юритиб келаяпман, – дейди оилавий поликлиника патронаж ҳамшираси Ирода Тошпўлатова. – Бirlашма-мизда шифокорларга эҳтиёж катта. Шу боис, Тошкент тиббиёт академиясининг даволash бўлимига ҳужжат топширдим. Иш жараёнида ўрганганларим, бир неча йиллик тайёргар-лигим самараси ўларок, тест синовларида етарли балл тўплай оламан, деб ишонаман. Қолаверса, қабул жараёнидаги ангилликлар, қўшимча квоталар, тўлов-контракт ўринлари ажратилиши ҳам бизнинг фойда-мизга хизмат қилади. Гап бу имконият ва қулай-ликдан қанчалик фойдалана олишимизда. Олдимизга қўйган мақсад сари да-дил интилайлик. Шубҳасиз, интилганга толе ёр!

Дарҳақиқат, келажакнинг ёруғ кунларига бугундан за-мин яратилади. Шундай экан, ёшларимизнинг олий ўқув юртлирига кириш учун топ-ширадиган имтиҳонларда уларнинг шу қанчалар олган билимлари асос бўлади ва илмталаб ёшлар ўз мақсад-ларига, албатта, етдилар.

Райхон САЛАЕВА.

□ Гапнинг очиги

Президентимиз Шавкат Мирзиёев жорий йилнинг 12 июль куни Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан "Парламентимиз ҳақиқий демократия мактабига айланиши, ислохотларнинг ташаббускори ва асосий ижроҳисси бўлиши керак" мавзусидаги видеоселектор йи-ғилишида нутқ сўзлади. Ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, бу биз учун тарихий кун бўлди.

ЧЕТДА ТУРГАН ОДАМ...

Сиёсий партиялар моҳиятига кўра, фуқароларнинг қарашлари, манфаатлари ва мақсадлари муштараклиги асосида тўзилган, давлат ҳокимияти органларини шакллантиришда жамиятнинг сиёсий иродасини рўйбга чиқаришга интилувчи ҳамда ўз вакил-лари орқали давлат ва жамоат ишларини идора этишда қатна-шувчи кўнгилли бирлашма экан-ини инобатга олсак, бу учрашув айти йўналишда амалга оширган ишларимизга ўзига хос кўзгу бўлди, дейиш мумкин. Президенти-миз томонидан билдирилган фикр, тақлиф ва танқидлар эса, фаолиятимизни замон талаб-лари асосида, қайта қўриб чиқи-шимизга туртки бўлди.

Хусусан, Ўртбошимиз Ўзбеки-стон Халқ демократик партияси фаолиятига тўхталар экан, қуйи-даги аччиқ ва танқидий фикрлар-ни айтиб ўтди. Халқ демократик партияси ўзини пенсионерлар, кам таъминланган аҳоли қатла-млари манфаатларининг ҳимоячи-си сифатида намойиш этади. Лекин, ҳолисона айтадиган бўл-сак, партия шу мақсад йўлида ҳаққатан ҳам амалий иш олиб бораётганими? Партия пенсионер-ларнинг ҳаёт даражаси, уларнинг ижтимоий фаолигини кучайти-риш, давлат органлари фаоли-ти устидан жамоатчилик назора-тини амалга оширишдаги ишти-рокини қўллаб-қувватлаш бора-

сида кўзга кўринадиган ташаб-буслар билан чиқаяптими?

Шу борада бир мисолга муро-жаат қилайлик. Маълумки, пен-сионерларнинг муайян бир қисми-ни ногиронлар ташкил этади. Ле-кин ҳозирги вақтда улар ўзини жа-миятнинг тўлақонли аъзоси, деб ҳис қилиши учун барча зарур ша-роитлар яратилмаган. Бу ҳақиқат-ни афсус билан тан олиш керак.

Муҳтарам Ўртбошимизнинг қалбдан, жон куйдириб айтган бу каби аччиқ ва танқидий фикр-ларидан кейин мудроқ босган кўзларни очиб, уйқудан уйғониш вақти келганини ҳис қилиб, жа-моатчилик билан ишловчи сиё-сий партия сифатида биз ҳам ҳушёр тортидик. Зеро, халқнинг сиёсий онги, ҳуқуқий мадания-ти юксак бўлса, ўз-ўзидан маф-куравий бўшлиқлар барҳам то-пади. Бунинг учун эса ҳар бири-миздан ҳалоллик, поклик, ташаб-бускорлик ҳамда ватанпарварлик каби ҳислатлар талаб этилади, ҳолос.

Шундай экан, барчамиз уйғо-найлик. Ўртимизда амалга оши-рилаётган кенг қўлмали ислохот-ларда фаол иштирок этиайлик. Томошбин бўлиб турмоқчи ҳеч биримизга ярашмайди. Негаки, четда турган одамда масъулият бўлмайди.

Латифжон МАНСУРОВ,
Ўзбекистон ХДП Юқори Чирчиқ
тумани кенгаши раиси.

□ Семинар

Бўстонлиқ туманидаги "Рохат" спорт-соғломлаштириш оромгоҳида Ўзбекистон инглиз тили ўқитувчилари уюшмаси қришдаги Ёш етакчи-ларни қўллаб-қувватлаш лойиҳаси томонидан талаба-ёшлар учун "Ёзги мактаб – 2017" ўқув-семинарлари ўтказилмоқда.

ТАШАББУСКОР ТАЛАБАЛАРИНИНГ ЁЗГИ МАКТАБИ

Семинарда мазкур лойиҳа му-вофиқлаштирувчилари, тажриба-ли педагоглар, нотиклар, ёшлар ҳамда талабалар иштирок этмоқ-да.

Мамлакатимизда ёшларнинг за-монавий билим ва касб-хунарлар-ни пухта эгаллаш, истеъдод ва салоҳиятини кенг намоён этиши, хорижий тилларни ўрганишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг

"Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги Қонуни бу борада муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётган.

Семинарда қатнашиш истагини билдириб, ташкилотчиларга ўз ижодий ишларини тақдим этган 250 дан ортиқ талабанинг барча-си хорижий тил, хусусан, инглиз тилида ўз фикрини эркин баён эта олади. "Ёзги мактаб – 2017"га ана шу ёшлар орасидан энг билимли, фаол ва ташаббускорларидан 51 нафари танлаб олинди.

Ёшлар билан миллий туризм-ни ривожлантиришнинг аҳамаи-ти, бугунги глобаллашув даври-да хорижий тилларни мукаммал билишнинг долзарблиги, соғлом турмуш тарзи тарғиботи, атроф-муҳит муҳофазасида ёшларнинг ўрни каби мавзуларда мунтазам семинар-тренинглар ташкил эта-миз, – дейди Ўзбекистон инглиз тили ўқитувчилари уюшмаси ра-

иси Феруза Рашидова: – Бир ҳафта давом этадиган мазкур се-минаримиз мавзу жиҳатидан кенг қамровли ва ранг-баранг, амалий машғулотларга бой. Нотиклик санъати, жамоада ишлаш, ижод-корлик, етакчилик, вақтни тўғри тақсимлаш каби йўналишларда-ги машғулотларни ўтказишда та-лабаларнинг тақлифлари ҳам инобатга олинмоқда.

Оромгоҳдаги барча ёшлар каби Тошкент молия институти талабаси Искандар Сулаймонов ҳам ёзги таътили мазмунли ўта-ётганидан хурсанд. Айтишмича, у тенгдошлари билан кўпроқ инг-лиз тилида суҳбатлашиб, ишчи-лар ёзмоқда.

– Семинарнинг яна бир фой-даси – 2017-2021 йилларда Ўзе-бекистон Республикасини ривожлан-тиришининг бешта устувори йўна-лиши бўйича Ҳаракатлар страте-гияси мазмун-моҳияти аниқ йўна-лишлар бўйича эркин суҳбатлар билан тушунтирилаётганида, – дейди И. Сулаймонов. – Бу ерда ўрганганларимни қурсдошларим-га, албатта, сўзлаб берамиз.

Семинар доирасида ўтказила-ётган спорт мусобақалари, мада-ний-маърифий тадбирлар ишти-рокчиларда катта таассурот қол-дирмоқда.

И. АБВАЛБЕКОВ,
ЎЗА мухбири.

АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
ЭЗГУЛИККА ХИЗМАТ ҚИЛСИН

Ахборот технологияларининг та-раққиети ҳаётга янгидан-янги ўзга-ришларни олиб кирмоқда. Кеча ба-шарият учун ҳаёлот бўлган "электрон чўнтак", симсиз алоқаю ақлли робот-лар бугун янгилик эмаслиги ҳам фик-римизни тасдиқлайди. Интернетнинг ҳадсиз имкониятларидан унумли фой-даланиш, ундаги ахборотлар оқими-дан керагини ажрата билиш, табиий-ки, ўқувчидан ҳам, ўқитувчидан ҳам ах-борот коммуникацион технологияла-ридан мақсадли фойдаланиш кўник-масини талаб қилади.

□ АКТ ва биз

Тобора ривожланаётган илм-фан ва кашфиётлар инсон онгу шуурини шоши-риб қўймоқда. Бу жараёнда олдимизда турган асосий вазифа – янгилликлардан тўғри фойдаланиш.

Ўзбекистон Республикаси Президенти-нинг "Республикада ахборот технология-лари соҳасини ривожлантириш учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармо-ни соҳа тараққиётини янги босқичга кўтарди. Миллий ахборот технологияла-ри майдонини ислох этиш, уни бугунги кун талабларига мос тарзда ривожлан-тириш жамият тараққиётига хизмат қила-ди, ишлаб чиқариш, тадбиркорлик фао-лиятини қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг ҳаёт даражасини оширишда муҳим ўрин тутди.

Миллий тажрибада ҳам унинг имко-ниятларидан самарали фойдаланила-тир. Чунончи, аксар ташкилотларнинг ўз интернет сайтига эгалиги, муассасалар ўртасида хат ва хабар алмашинувининг электронлашуви иш жараёнида самара-дорликни оширмоқда.

Хусусан, Паркент транспорт ва сервис касб-хунар коллежининг ҳам ўз сайти мавжуд бўлиб, янгилликлар саҳифаси мун-тазам бойитилмоқда. Ўқувчи-ёшларнинг китобхонлиқа қизиқишини ошириш мақ-садида "Мутлола завқи" руқнини ташкил этганмиз. Ушбу саҳифадан фойдаланув-чилар нафақат мумтоз адабиётимиз на-муналари, балки жаҳон кутубхонасининг нодир асарлари билан ҳам танишиши мумкин. Сайтни коллежимизнинг "Ин-форматика ва ахборот технологиялари" йўналишида тахсил олаётган ўқувчи-ёшлар юритмоқда. Бу уларга назарияда эгаллаган билимларини амалиётда тат-биқ этиш имконини бераётган.

Фармон асосида юртимизда Ахборот технологияларини ишлаб чиқариш ва жорий қилишни қўллаб-қувватлаш бўйи-ча инновацион марказнинг ташкил этил-гани, айниқса, қувонарлидир. Марказнинг асосий йўналишлари сирасига касб-хунар коллежларини "ахборот техноло-гиялари" мутахассислиги бўйича бити-рган ёшларни ишга жойлаштириш маса-ласи ҳам киритилган. Жорий йил бу му-тахассислик бўйича таълим муассасази-ни 25 нафар ўқувчи таомлади. Уларнинг атиги учдан бир қисми ўз мутахассисли-ги бўйича ишга жойлашди. Эндиликда бу борадаги муаммоларни марказ билан ҳамкорликда ижобий ҳал этиш имкония-ти пайдо бўлди.

Насиба РЎЗИЕВА,
Паркент транспорт ва сервис касб-хунар
коллежининг информатика ва ахборот
технологиялари факи ўқитувчиси.

□ Саломат бўлинг

Мамлакатимизда малакали тиббий хизмат кўрсатиш, соҳани ҳар томонлама ривожлантиришда давлат тузилмалари қатори жамоат таш-килотлари ҳам фаол иштирок этмоқда. Хусусан, "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди томонидан "Соғлом она – соғлом бола" лой-иҳаси доирасида аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкам-лаш, болалар ва хотин-қизларга кўрсатилаётган тиббий хизматни янада такомиллаштириш борасида қатор хайрли ишлар амалга оши-рилмоқда.

ФОНДНИНГ ХАЙРЛИ
ТАШАББУСЛАРИ

Фонд томонидан иш-лаб чиқилган манзилли чора-тадбирларга му-вофиқ, оилаларда соғ-лом турмуш тарзини қарор топтириш, ёш-ларни ҳисмонан соғлом ва маънан етук инсон-лар этиб вояга етказиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга ало-ҳида эътибор қаратил-моқда.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида фонд-нинг кўчма тиббий-иж-

тимоий ёрдам брига-даси томонидан Олма-лик ва Ангрен шаҳарла-ри, Бўстонлиқ, Бўка, Янгийўл, Қуйи Чирчиқ, Оҳангарон, Бекобод, Оққўрғон туманларида ўн беш мингдан зиёд хотин-қизлар ва бола-лар қучуқлаштирилган кўрикдан ўтказилди.

– Аҳоли саломатлиги йўлида хорижий тиб-биёт ходимлари билан ҳамкорликда олиб бо-рилаётган ишларимиз,

айниқса, самарали бўл-моқда, – дейди "Соғ-лом авлод учун" халқ-ро хайрия фонди ви-лоят бўлими раҳбари Муҳаббат Йўлдошева. – Юқори Чирчиқ тумани-да Жанубий Кореянинг Инха университети гос-питали шифокорлари 200 нафарга яқин бе-морни тиббий кўрикдан ўтказиб, уларга зарур муолажалар кўрсатди.

Шунингдек, 34 нафар фуқарога ногиронлик

аравчаси олиб берил-ди, худудлардаги кам таъминланган ва ёлғиз кексалар бепул дори-дармон, санитария-ги-гиеник воситалар бил-лан таъминланди. Фонд филиалига муро-жаат қилган тузма юр хасталиги билан оғриган 41 киши, юқори лаб ва тангла-йида нуқсонли бўлган икки беморнинг икти-сослашган муассаса-ларда даволанишлари ташкил этилди.

Бундай кўриклар ва тарғибот ишлари аҳоли ўртасида тиббий мада-ниятнинг юксалишига, турли хасталикларнинг бартараф этилишига хизмат қилмоқда. Фонд-нинг кўчма бригадаси шифокорлари иштиро-кида таълим муассаса-лари, маҳалла ва таш-килотларда "Аҳоли са-ломатлиги йўлида" ши-ори остида ўтказилаёт-ган "Соғлом она – соғ-лом бола", "Фарзанд муборак!", "Гўдак – бе-баҳо неъмат" акцияла-ри, шунингдек, ёш она-лар учун "Фарзандим соғ бўлсин, десангиз", қизлар қамоаб олинган "Эрта кичикнинг сал-бий оқибатлари ҳақида нималарни биласиз?" сингари мавзулардаги маданий-маърифий тадбирлар ҳар томон-лама фойдала бўл-моқда.

Юлдузхон
МУХИДДИНОВА,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири.

□ Тадбиркорлик

Озод Пайшоновнинг номи бугун нафақат Бўка туманида, балки вилоятимизда ҳам маълум ва машҳур. Тадбиркорлик ва ишбилар-монлиқни ҳаётининг асл мазмунига айлантирган отахон туман мар-казида хусусий савдо ишлаб чиқариш корхонасини бунёд этмоқчи бўлганида кўпчилик ишонмаган эди. Аммо, сергайрат тадбиркор фарзандларига бош-қош бўлиб, "Шахзода" кўп тармоқли хусусий савдо мажмуасини бунёд этди.

Айни дамда кўплаб савдо дўконларини ўз бағрига сиғдирган ушбу мажмуада ишлар қизғин. Бир тарафда оталар чойхонаси пири бадавлат кексаларга кўнгилли хизмат кўрсат-моқда.

Албатта, Озод ота бошчилигидаги хусусий савдо мажмуаси ходим-лари бугунги кун тала-бига, замонга ҳамоҳанг тарзда меҳнат қилишга интилаяпти. Истеъмол-чиларнинг талабини ўз вақтида қондириш, уларга намунали хизмат кўрсатиш одати тусга кирган. Савдо шаҳобча-ларидан ташқари, 4 та тикувчилик цехи ҳамда

4 та гўзаллик салони бўқалиқлар хизматида. Бир тарафда автомо-бил эҳтиёт қисмларини сотишга мўлжалланган бино, бир тарафда эса газлама дўконни хари-дорлар билан гавжум.

– Жамоамиз номидан Халқ қабулхонаси мута-сатдиларига ўзимнинг чексиз миннатдорчили-гимни билдираман, – дейди корхона раҳбари. – Айрим сабабларга кўра, уч йил давомида ололмаётган пулимизни бир ҳафта ичда унди-риб, айни дамда янги бунёд этилаётган маж-муамизнинг қурилишига катта ёрдам беришди. Демак, адолат бор экан.

Ҳамма нарса халқ ман-фаатларини ўйлаб қили-наётганлигига яна бир бор амин бўлдим.

Дарвоқе, Озод ота-нинг ташаббуси билан худудда икки қаватли янги мажмуа бунёд эти-лаётган. Мажмуа қуриб битказилгач, унга 20 та тўқимачилик дастгоҳла-ри олиб келиб ўрнати-лади. Натижада, 30 на-фар одам иш билан таъ-минланади.

Шунингдек, корхона тасарруфидagi 1 гектар ерда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етишти-рилаяпти. Бир вақтнинг ўзида лимон, мева ва сабзавотлар етишти-ришга мўлжалланган ис-

ОЗОД ОТАНИНГ
ОДИМЛАРИ

сиқхона барпо этиш ишлари ҳам бошлаб юборилган. Бунинг са-мараси ўларок, янги иш ўринлари яратилади. Туман маркази – Наво-ий кўчасидаги эски те-гирмон ўрнида янги сав-до шаҳобчасини бунёд этиш режалаштирилган.

Хуллас, "Шахзода" кўп тармоқли хусусий савдо мажмуасининг имкониятлари тобора кенгайиб бормоқда. Мус-тақиллигимизнинг 26 йиллигини муносоиб қу-тиб олиш жамоанинг эзгу мақсадидир.

Мурод АШУРОВ.

ОБ-ҲАВО
МАЪЛУМОТИ

Республика Гидрометеороло-гия марказининг хабар бери-шича, 26 июль куни Тошкентда ҳаво бир оз булутли бўлади, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқ-дан секундида 3-8 метр тезлик-да шамол эсади. Кечаси 23-25, кундузи 39-41 даража иссиқ бўлади.

Тошкент вилоятида ҳаво бир оз булутли бўлади, айрим жой-ларда ўзгариб туради, ёғингар-чилик бўлмайди. Шарқдан се-кундида 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 22-27, кундузи 37-42 даража иссиқ бўлади.

Республикаимизнинг тоғли ҳу-дудларида ҳаво бир оз булут-ли бўлади, айрим жойларда ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 7-12 метр тезликда шамол эса-ди. Кечаси 15-20, кундузи 27-32 даража, баъзи жойларда 33-35 даражагача иссиқ бўлади.

Маънавият

Бугун юртимизда китобхонлик маданиятини оширишга ҳар қачонгидан кўпроқ эътибор қаратиляпти. Барчамиз бу борадаги фаолиятимизни таъкидий-таҳлилий нуқтаи назардан қайта кўриб чиқишимиз зарурлигини ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб турибди. Айниқса, китоб ва кутубхона билан бевосита боғлиқ касб эгаларининг масъулияти янада ортиши табиий. Шунинг учун Тошкент вилояти "ТУРОН" ахборот-кутубхона марказининг айни кундаги фаолияти билан қизиқдик. Вилоят кутубхонасида

қанча аъзо бор? Шарт-шароитлар қандай? Бир кунда неча кишига хизмат кўрсатиляпти? Китобхонларни кўпроқ жалб этиш учун нима-лар қилинапти? Мазкур саволларга жавоб топиш мақсадида пойтахтимизнинг Яшнобод туманидаги Қурувчилар кўчаси, 1-уй томон йўл олдик (Ониги, кутубхона бу бинога кўчганига етти йил бўлганига қарамайдан, кўплар ҳамон унинг янги манзилини билмаслиги бизни ажаблантирди). Маърифат масканига кираверишда ташкил этилган музей диққатимизни тортиб, кутубхона тарихи билан қизиқдик.

нинг учун у ердаги китобларни бош бинога кўчиришга мажбур бўлди. Ҳозирда китобларни жойлаштириш жараёни кетаяпти, — дейди Наргиза Кузубаева. — Тошкент вилояти кенг. Ҳамма худудлардан китобхонларнинг келиши қийин. Шунинг учун бизга битта кўчма кутубхона — библиобус — китоблар жавонига эга махсус транспорт ажратилса, йил давомида олис туманлардаги ўқувчиларга ҳам сидқидилдан хизмат қиларди.

Кутубхона фондиди бо-йитиб бориш учун бир йилда уч миллион сўм ажратилар экан (бизнингча бу рақам катта кутубхона учун анча кам). Аммо, 2017 йилда ҳануз янги китоблар бўлиб келинмаган. Жорий йилдаги маблағ газета-журналлар обунасига сарфланган. Бир пайтлар нашриётлар ва газета-журналларнинг "мажбурий нусха"лари "ТУРОН"га ҳам бериб берилган. Ҳозирда ушбу ҳолат тўхтатилган. Республика матбуот ва ахборот агентлиги мутасаддилари айни масалани ҳал этишда ёрдам қўлини чўсалар, вилоят кутубхонаси ҳар йили юзлаб адабиётлар, газета-журналлар билан тўлиб боради. Бизда азалдан "Бола йиғламаса, она қарамайди", деган гап бор. Шунинг учун кутубхона раҳбарияти айни масалада қайта-қайта мурожаат этганида, эҳтимол, бу муаммо аллақачон ҳал қилинган бўларди.

Битта мақола билан тўрт юз минг фондга эга кутубхонанинг бир қулиқ фаолиятини тўлиқ ёритиш амрига ҳош. Шу тўғрисида фикрларимизни мухтасар қиларканмиз, барча муштарийларни бугун "ТУРОН" ахборот-кутубхона марказига боришга ундаймиз.

Шоира БОЗОРОВА,
«Тошкент ҳақиқати»
мухбири.

ОЛТМИШ
ОВОЗНИНГ
ЖАРАНГИ

Сўлим ва баҳаво маскан — Зомин туманидаги Ўрикслик оромгоҳида бўлиб ўтган ёш ижодкорларнинг Республика семинари ҳар қачонгидан ҳам файзли, ҳаяжон ва таассуротларга бой бўлди. Мамлакатимизнинг турли гушаларидан ташриф буюрган олтмиш нафар иқтидор соҳиби устоз адиблардан маҳорат сабоқларини олишди.

Таассурот



Назаримизда, навқирон ижодкорларни ушбу масканга қадами етган улғу устозларимизнинг руҳи қўллаб тургандек, уларга олам-олам завқ, ўзгача куч ва илҳом бағиш-лаётгандек эди. Биз бунини ёшларнинг кўзида чақнаган оловдан, танига сиғмаган шижоат ва жўшқинликдан яққол ҳис этдик. Ўқилаётган шеърлар, оҳори тўқилмаган ҳикоялар, бадиий-публицистик мақолаларда ёшлар мамлакатимизнинг буюк келажагига катта умид билан қараётганини, янги истеъдод қирраларини пайқаб олиш қийин эмас.

Муҳаммад Али, Худойберди Тўхтабоев, Анвар Обиджон, Икбол Мирзо, Махмуд Тоир, Энахон Сиддиқова, Ҳаётхон Ортиқбоева ва бошқа устозлар ёнида бўлиб, Ўрикслик ҳавосидан бирга нафас олиб ижод қилиш кимга ҳузур бағишламайди, дейсиз. Адабиёт, шеърят майдонига ана шу устозлар этагидан тутиб кириб келаётган навқирон авлод қалбига гурур ва ифтихори, Зомин шаршараси янгилик қўйилиб оқётган илҳом чашмаларини ҳис этдик.

Бир-биридан зукко, иқтидорли ёшлар... Шундай дамда: "Оҳ, сенинг ёшлигининг менда бўлсайди", дея кеска авлод вақиллари уларга ҳавас билан қарашди...

Бу анжуманда ҳеч ким ютказмади, мағлуб бўлмади. Олтмиш нафар ижодкорнинг барчасини голиб, музаф-Ориф ТОЛИБ тайёрлади.

Аккумуляторсиз телефон

Вашингтон университети мутахассиси Вамси Таллаш бошчилигидаги тадқиқотчилар аτροφ-муҳит энергиясини ҳисобидан ишлаши мумкин бўлган телефон нусхасини яратишди.

— Уяли алоқа телефони энг фойдали воситалардан бири. Тасаввур қилинг, сиз ҳаттоки телефон аккумулятори "ўтирган" бўлса ҳам кўнғироқ қилиш ва хабарлар жўнатишингиз мумкин, — дейди тадқиқот лабораторияси раҳбари Жошуа Смит.

Олимлар энергия сарфлашни камайтириш учун овозни аналогли узатишдан юборишди. Шунингдек, қурилма қисмларини махсус қайтадан ўзгартиришди. Бундан ташқари, ушбу жараёнда нур таратувчида ҳам фойдаланилди. У радиотўлқинлардан вақти-вақти билан фаол-лашади. Бунинг эвазига уяли алоқа миноралари гаджет учун ўзига ҳос энергия манбаси бўлиши мумкин.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

«ТУРОН»НИ ТҲИТЕПАГА КЎЧИРАМИЗМИ?

Қолаверса, ёнимизда фақат иккита мактаб бор. Олий ўқув юртини йўқ... Наргиза опага эътироз билдирамиз: — Тошкент шаҳрида кутубхоналар, китоб дўконлари етарли, "ТУРОН" вилоят аҳлига яқин ва қулай жойда бўлиши муҳим-ку! Айтайлик, кутубхонани вилоятимизнинг янги маъмурий маркази — Тўйтепага кўчириш ҳақида ўйлаб кўрелса, қандай бўларкин? Таълим масканларида шундоқ ҳам ахборот-ресурс марказлари мавжуд. Кутубхоналар фақат ўқувчи ёки талабаларни эмас, асосан аҳолининг кенг қатламини жалб этиш мақсадида ташкил қилинган.

— Кутубхонамизга ҳар кун 30-40 нафар фойдаланувчи ташриф буюради, — дейди бош кутубхоначи Майна Расулова.

Лекин тушга қадам фақат бир китобхонгагина кўзимиз тушибди...


— Асосий аъзоларимиз тушдан кейин келишади, — дея вазиятни изоҳлайди суҳбатдошимиз.

Биз Майна опадан кутубхонадаги энг қадимий китоблар ҳақида сўраганимизда шундай жавоб ол-

дик: "1816-1850 йилларда нашр этилган асарларни "Нодир китоблар" фондида сақлаймиз, улар ҳақидаги барча маълумотларни компьютерга кирит-ганимиз, ҳозир ҳаммасини қозғога чиқариб бера-ман".

Аммо компьютер "ҳа" деганда ёнавермади. Шунда ахборот-кутубхона марказининг техник воситалари анча эскирганга эътибор қаратдик. Ахборот технологиялари даври сифатида таърифланаётган XXI асрда АКМ (ахборот-кутубхона маркази) компьютерларининг эскилиги фоят ачинарли, бизнингча.

Кутубхонага ўқувчиларни кўпроқ жалб этиш мақсадида муайян ишлар амалга оширилган. Масалан, февраль ойида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али билан учрашув ҳамда 9 май — Хотир ва Қадрлар кунига бағишланган тадбир ўтказилган. Шунингдек, Юқори Чирчиқ санат-иқтисодиёт касб-хунар коллежида "Му-толаа завқи", Чирчиқ тиб-биёт касб-хунар коллежида "Маънавият тафаккури китобдир" (айни номнинг фазиллиги ҳайрон қолдир-ди) мавзусида анжуманлар уюштирилган. 6 май кун



бирларнинг ўзи етарли деб бўладими? Аънавий китобнинг рақобатчиси ўлароқ, интернет ўйинларию ижтимоий тармоқлардаги сўзлашувлар авж олган замонда ўғил-қизлар эътиборини кўпроқ жалб қилиш мақсадида ҳар кун янги ташаббус билан чиқиш зарур. Бу жиҳат кутубхоначилардан замонавий билим, масалага креатив ёндашув ва фидо-йлик талаб этади.

Ҳозирда кутубхона асосан ўзи жойлашган худуддаги "Бинокор" ва "Урта масжид" каби тўққиз ма-ҳалла аҳлига ҳамда 206-, 212-, 23-мактаб ўқувчиларига хизмат қилапти, хо-лос. Вилоятдаги 102 та

Кутубхонага 2017 йил-нинг олти ойи мобайнида 1 минг 456 нафар ўн беш ёшгача ўғил-қиз аъзо бўлган. Уларга 15 минг 424 номдаги китоб, газета ва журналлар тақдим этилган. Энг кўп сўралган китоблар Худойберди Тўхтабоевнинг "Сариқ девни миниб", "Беш болали йигитча" романлари ҳамда Антуан де Сент-Экзюперининг "Қичкина шахзода" асаридир. Ушбу маълумотларни олар-канмиз, болалар бўлимида китоблар бетартиб турган-лиги сабабини сўрадик.

— Бу китобларни яқин-да олиб келдик. Болалар бўлимига ажратилган 2-биномиз таъмирталаб ҳолатга келиб қолган. Шу-

Дарвоқе

БИР ҲОВУЧ ТАНГА

Нью-Йорклик бир киши ҳинду дўсти билан шаҳар кўчаларини айланиб юради. Хинду бирданига тўхтади.

— Чигиртанинг товусини эшитяпман! — деди у ҳайратланиб.

— Жинни бўлганмисан, — деди бунга жавобан ошнасига тева-атрофга ишора қилиб.

Уларнинг ёнгинасидан гу-вуллаб уловлар ўтар, нари-роқда курувчилар ишлар, кўчани тўлдирган одамлар қайларгадир шошар эди.

— Лекин мен эшитяпман, — фикрида қатъий туриб олди хинду.

У тўғри банк биноси ёни-даги гулзорга қараб кетди. Гулларнинг остида ҳақи-

қатан ҳам чириллоқ чигирт-ка бор экан.

— Қойил-е! — деб ҳайрат-ланди шаҳарлик. — Эшитиш қобилиятинг даҳшат-ку!

— Э, йўқ, оғайни, — деб кулди хинду, — гап бунда эмас. Қараб тур...

У шундай деди-да, йўлак-ка бир ҳовуч танга сочиб юборди. Йўлда кетаётган-лар дарров ҳар ёққа алан-лаб, пуллари тушиб қолма-ганини текшириш учун чўнтақларини тита бошла-дилар.

— Кўрдингми, — деди хинду ошнасига, — сезгилар-инг нимага мосланган бўл-са, ўшани албатта, эши-тасан.

Баъзида ахборотларнинг шиддатли оқимидан керак-

ли фикрни, ёрқин гоёни ажратиб олиш қийин кеча-ди. Бошида аҳмоқона, ишончсизроқ кўринган гоёлар охир-оқибат катта натижаларга сабаб бўлади. Бунинг учун сезгиларимиз-ни тўғри мослай олишимиз ва керакли товушларни эшита билишимиз керак. Биринчи қарашда бажариб бўлмайдигандай қўринаят-ган гоё — хинду эшитиб, шаҳарлик умуман сезмаган чигиртка товушининг худди ўзи. Одатий фикрлаш, қа-бул қилиш усулини ёриб ўтиш ҳамиша ҳам осон кеч-майди. Лекин, бу катта мақ-садларни қўзлаганлар учун фойдали ва жуда керакли-дир.

Ориф ТОЛИБ тайёрлади.



дунё аҳли кўриб, тан олиб турибди. Оддий рўчкани ёқимли хидлар ёки табиатда мавжуд бўлмаган ранглар билан беазаган ҳам ўша хитойлик мутахассислар ҳисобланади.

Советгичли камзул

Қарангки, улар кунни кеча советгичли камзул яратиб, кенг омма эъти-борига ҳавола этишди. Камзулнинг астар қис-мига иссиқ ҳавода та-нага муздек шамол йўлловчи алоҳида су-юқликлар жойланган эгилувчан кукурчалар маҳкамланган. Камзул

қувватли ҳам авто-ном тарзда бошқа манбадан олади. Жазирамада ке-таётиб камзулдаги тугмачани боссангиз бас, шу захоти со-ветгич ишга тушади ва муздек шамолдан баҳра ола бошлайсиз, зўриқишлар ортга чеки-танангизда иссиқ ту-



файли юзага келган зўриқишлар ортга чеки-нади.

Спорт

Таиланд пойтахти Бангкок шаҳрида спорт курашлари бўйича кадетлар ўрта-сидидаги Осиё чемпи-онати китамизининг турли мамлакатлари-да истеъдодли ёш полвонлар вояга ета-ётганини намойиш этди. Улар орасида ўзбек курашчиларининг борлиги қалбимизни гурур ва ифтихорга тўлдирди.

УМИД ПОЛВОНДАН
УМИДИМИЗ КАТТА

Эркин, юнон-рум ва хотин-қизлар кураши мусобақаларида Ўзбекистон спортчи-лари иккита олтин, битта кумуш, олтинта бронза, жами тўққиз-та медалга сазовор бўлди.

Эркин кураш бўйи-ча 42 килограмм вазн тоифасида гиламга чиққан Умиджон Жа-лоловнинг маҳорати муҳлиси мутахассис-ларга жуда манзур келди. Чаққон ва чай-ир спортчимиз белла-шувларда қозғистон-лик Кенисбек Еҳрон ва эронлик Махди Вей-сийни мағлубиятга уч-ратиб, финал йўллан-масини кўлга киритди. Истеъдодли ёш полво-

нимиз ҳал қилувчи баҳсда япониялик Рёюки Юрани 10:0 ҳисобида доғда қол-дирди ва Осиё чемпи-они, деган шарафли номга сазовор бўлди.

Оғирлиги 63 кило-грамм бўлган ўсмир-лар финалида мўғулис-тонлик Бямбадорж Энхбаярдан устун кел-ган Ихтиёр Нормуро-дов ҳам шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Эркин ку-рашчилардан Муҳам-мадрасул Раҳимов ку-муш, Жамшидбек Маъ-руфов бронза медал-га лойиқ топилди.

Юнон-рум кураши-да ўз вазн тоифаси бўйи-ча учинчи ўринни эгаллаган Элдор Ка-

римов, Дилшод Омон-гелдиев ва Саидислом Тешабоев терма жамо-амиз ҳисобига битта-дан бронза медалъ қўшди.

Курашчи қизлари-миздан Гулноза Жума-боева ҳамда Умида Максотова китба би-ринчилигини учинчи ўринда яқунлади.

Осиё чемпионатида ўзини кўрсатган ёш полвонлар келаси йили Аргентинада бўладиган ўсмирлар ўртасидаги III Олим-пия ўйинларига йўлланма олиш учун курашши имконига эга бўлади.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»
мухбири.

"Ўзбекистон" нашриёт-матбаа ижодий уйи жамоаси меҳнат фахрийси, нашриёт директори ўринбосари вази-фасида ишлаган Вағим ЖҲРАЕВнинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
вазифасини бажарувчи
Файрат
ШЕРАЛИЕВ

Манзиллиги:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар
кўчаси, 32.
Электрон почта:
thaqiqat@mail.ru

Телефонлар:
Қабулхона: 233-58-85 (факс)
Бош муҳаррир ўринбосари: 233-70-10
Масъул котиб: 233-79-96
Бўлим муҳаррирлари: 233-12-83, 233-38-23, 233-48-08
Шартнома ва эълонлар: 233-81-21, 233-65-59
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририятини компьютер марказида терилди ва сақланган.

Набатчи муҳаррир
Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ
Назоратчи мусаввир
Қумуш ЭҒАМБЕРДИЕВА
Саҳифаловчи
Тоҳир МАҲМУДУЖАЕВ